



Васиятнома ва унинг афзалликлари. Эр хотиннинг умумий биргаликтаги васияти

Мустакил изланувчи:

Бекниязова Динора Байниязовна

Аннотация: ушбу илмий мақолада хар бир инсон хаёти давомида мол-мулк орттиради, ушбу ортирилган мол мулкдан фойдаланади, эгалик қилади, эркин тасарруф этади. Демократик давлатларда бу ҳуқуқларнинг кафолати - қонунлар билан мустахкамлаб қуйилади.

Калит сўзлар: қонунлар, мол-мулк, ворислик, Фуқаролик Кодекси, битимлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65, 66 моддаларида, «Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда махрум этилиши мумкин эмас» (65-модда), «Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади» (66-модда), деб кўрсатилган. Оддийгина халқ сўзи билан тушунтирадиган бўлсам, ушбу ортирилган мол мулклар мулкдорга - унинг яхши яшаши учун хизмат қилади. Шу сабабли мулкдорлар уларни асраб авайлайди, химоя қилади. Сабаби бу мулкларни ўзидан кейин авлодларига қолдиришни истайди. Бу эса фуқаролик кодексида ворислик тушунчаси билан аталади.

Биламизки, ворислик қонун бўйича ва васиятнома бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1120-моддасига асос, «Васият бу – фуқаронинг узига тегишли мол мулки ёки мол мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хокиш иродаси», деб этироф қилинган. Васиятноманинг афзаллиги шундаки, васият қолдирувчи (мулкдор) – узи ҳоклаган шахсга ўз мулкини қолдиради, ҳоклаган меросхурларни меросдан изоҳатларсиз четлатади, яъни ўз истагини эркин амалга оширади. Васиятноманинг яна бир



афзаллиги, васият колдирувчи хоклаган пайтда васиятномани узгарттириши, бекор килиши ёки янги васиятнома ёзиши мумкин. Бу нима дегани, бу факат васият колдирувчи томонидан амалга ошириши мумкин булган ҳаракат – яъни бир томонлама битим дегани.

Битимлар жисмоний ва юридик шахсларнинг онгли, аниқ мақсадга қаратилган, эрк иродаси асосидаги ҳатти ҳаракатлари бўлиб, уларни амалга ошириш орқали улар муайян ҳуқуқий оқибатларга эришишга интиладилар¹. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида битимлар тугрисида нормалар келтирилиб утилган. Унга кўра, битимлар деб – фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, узгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади. Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки куп тарафлама бўлиши мумкин.

Бир тарафнинг хокиши билан тузиладиган битим - бу бир тарафлама битим ҳисобланади. Бу битимда – факат бир тараф томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланади, унга узгартиришлар киритилади ёки бекор қилинади. Васиятномани тузишда ҳам айнан васият колдирувчи томонидан ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар амалга оширилади. Ушбу битим факат ёлғиз васият колдирувчининг истагига асос узи томонидан тузилади, бекор қилинади ёки узгартирилади. Ҳеч ким мажбурлаб ёки қурқитиб васият ёздиришига ҳақли эмас.

Васиятнома ёзма шаклда тузилади ва у нотариус томонидан ёки бошқа ваколатли шахслар томонидан тасдиқланиши мумкин. Ҳозирги вақтда васият колдирувчилар нотариал идораларга бориб, уз васиятларини нотариал тартибда амалга оширмоқда. Айнан васиятноманинг нотариал тартибда расмийлаштирилгани унинг оқибатини сақлаб қолишлигида муҳим урин эгаллайди. Сабаби нотариал идорага келган ҳар қандай васият колдирувчи билан нотариус алоҳида суҳбатлашади, унинг ниятларини ва хокиш истақларини сурайдди. Ва ушбу суҳбат жараёнида унинг муамола лаёҳатини текширишга эришади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 04.01.2019йили 2-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби



тугрисидаги Йурукнома»га асос васиятномани тузиш ва тастиклаш, васият колдирувчининг васиятномани имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видео тасмага олади ва кайд этади. Васиятнома мазмуни ва унинг ҳуқуқий оқибатлари нотариус томонидан тушунтирилади ва васият берувчининг имзо қуйиши билан тастикланади ва ушбу нотариал ҳаракат «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимида сақланади.

Ҳозирги вақтда, қонунчилигимизда, фақат бир шахснинг васият колдирувчи сифатида иштирок этиши қурсатилган. Яъни бир шахс, фақат мулкдор васиятнома колдириб меросхурни тайинлаб, мероснинг тақдирини белгилаб кетиши мумкин. Агар бу мол мулк биргаликтаги эр хотиннинг мулки бўлсачи, ушбу ҳолатлар ҳисобга олинмаган. (Ҳозирги вақтда ушбу жараёнда улушларга нисбатан васият колдирилади) Қонунчилигимизда ворислик қонун бўйича ва васиятнома бўйича амалга оширилади, деб қурсатилган. Агар юқорида қурсатилган вазиятни ҳисобга оладиган бўлсак, унда мерос мол мулкининг $\frac{1}{2}$ (иккидан бир) улушига васият бўйича, $\frac{1}{2}$ (иккидан бир) улушига қонун бўйича мерос иши расмийлаштирилишига олиб келади, лекин бу қонунчилигимизда белгиланмаган.

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда уйлайманки, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1112-моддаси (ворислик асослари)га, яъни «Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади», деган нормага узгартириш ва қушимча киритиб, «Ворислик – қонун бўйича, васиятнома бўйича ёки ҳар иккала асосга қура амалга оширилади», деб қурсатилса, мақсадга мувофиқ булар эди.

Иккинчидан, эр-хотиннинг биргаликтаги васиятномаси нормаси киритилиши лозим. Сабаби эр хотиннинг ҳаёти давомида ортирилган биргаликтаги мулкларини ёки уларнинг бир қисмини – узлари ҳоклаган лойх бир меросхурга, ёки иккаласи узлари ҳоклаган бошқа – бошқа меросхурларга ёки ҳар қандай шахсга васият қилиши, эр хотиннинг умумий мол мулкини, шунингдек уларнинг ҳар бирининг мол мулкини ҳар қандай шахсга васият қилиш,



тегишли ворисликтаги меросхурларнинг улушларини бирон бир тарзда аниклаш, конун буйича меросхурлардан бирини, бир нечтасини ёки барчасини сабабларини курсатмасдан меросдан махрум қилиш каби узлари ҳоклаган ҳокишларини битта ҳужжатда мустаҳкамлаб билдиришига имкон яратилар эди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асос, «Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблаглари ҳисобига олинган мол мулклари, агар қонунда ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол қўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликтаги умумий мулки ҳисобланади», деб қўрсатилган. Ушбу кодекснинг 24-моддасида эса, биргаликтаги умумий мулк бўлган мол мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда эр хотиннинг ҳуқуқлари тенг эканлиги қўрсатилган. Шу сабабли, эр хотиннинг биргаликтаги умумий мулки ҳисобланган мерос мулкни биргаликта васият қилиши уларнинг ҳуқуқини чекламайди, аксинча, уларнинг ҳокиш иродасининг тугри амалга оширилишига имкон яратади. Сабаби, ҳозирги қонунчилигимизда эр-хотин биргаликтаги умумий мулкка васият қиладиган бўлса, фақат ушбу мулкдаги улушига гина васият қолдириши мумкин.

Эр хотиннинг биргаликтаги васиятномасини расмийлаштиришнинг узига ҳос хусусияти, эр хотиннинг никоҳи қайд этилган бўлиши кераклигида. Бошқа хусусиятлари умумий қоидаларга амал қиладди. Ушбу васиятномага ҳоклаган вақтда узгартириш киритиш ёки бекор қилиш мумкин. Эр ёки хотин исталган вақтда, шу жумладан улардан бири вафот этгандан кейин янги васиятнома қолдириш, шунингдек эр хотиннинг биргаликтаги васиятномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Эр хотиннинг биргаликтаги васиятномаси - эр хотиннинг никоҳи уларнинг вафотидан аввал бекор қилинса ёки ҳақиқий эмас деб топилса уз қучини йуқотади.

Агар эр хотиндан бирининг ҳокиш иродаси улар биргаликда васият қилиши ушбу кодекснинг белгиланган тартибда қонун талабларига жавоб бермаслиги тан олинса, бундай васиятномага тарафлардан бирининг ҳокиш иродасини ҳақиқий эмас деб тан



олиниши сабабларидан келиб чикиб ушбу кодекснинг низоли ёки уз узидан хакикий эмас деб тан олиниши битимларга оид қойдалар қулланилади.

Агар нотариус эр хотиндан бирининг кейинги васиятномасини тасдиқлашда, эр хотиндан бирининг махфий кейинги васиятномасини қабул қилса ёки улар ҳаёти давомида эр хотиннинг биргаликтаги васиятномасини бекор қилиш тугрисида эр ёки хотиннинг фармойишини тасдиқласа, у эр ёки хотинга қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда хабарнома юбориши мумкин.

Эр хотиннинг биргаликтаги васиятномаси ривожланган давлатлар қонунчилигида, шу жумладан Германияда, АКШда, Англияда мавжуд, лекин уларнинг қоидалари, тартиб таомиллари ҳар хил, Россия Федерацияси қонунчилигида бу васиятнома 2019 йил 1 июндан бошлаб амал қилмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ҳулоса қиламанки, шиддат билан узгараётган, янгиланаётган ҳозирги замонда фуқаролик муносабатлар ҳам узгариб, янгилашиб боради. Уларни тартибга солишда эски нормаларнинг қучи етмай қолиши мумкин. Сабаби фуқаролик муносабатлар вақт ўтиши билан узгариб боради, низолар қенгайиб боради, янги муносабатлар, янги қоидалар қириб қелади. Оддийгина бир мисол, авваллари, никоҳ ажрими, ажрашган эр ёки хотин, никоҳсиз фарзанд, иккинчи турмуш қаби муносабатларга бошқача қуш билан қаралиб, уларга нисбатан нафрат уйғонар, уят ҳисси мавжуд эди ва шу сабаби бу ҳоқислара қам эди. Ҳозир эса бу ҳолатлар оддийгина бўлиб қуринишни бошлади ва қуқайди. Ушбу ҳолатлар ворислик муносабатларига ҳам уз тасирини текгизмай қолмайди. Масалан мерос қолдирувчи эр-хотиннинг илгари турмушидан қолган фарзандлари ёки никоҳсиз фарзандлари. Улар албатта мерос мулкига талашади, судлашади. Ушбу жараён эса, албатта мерос қолдирувчининг вафоти билан вужудга қелади. Ушбу низоли муносақаларни барқараф этишда ёки олдини олишда васият қолдириш, яъни эр хотиннинг биргаликтаги мулкига васият қолдириши нормасини қиритиш энг мақул йул. Сабаби васият мерос очилгандан кейин ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга қелтирадиган бир томонлама битим ҳисобланади. Ва бу ҳуқуқлар васият қолдирувчининг вафотидан



Google
Scholar



кейин пайдо булади. Агар васиятнома мавжуд булса, меросхурлар уртасидаги келишмочиликлар, меросга талашишлар каби ходислар юз бермайди ва оилавий низоларнинг камайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси.
4. Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси.
5. Раҳманкулов Х.Р Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарх. 1 жилд. Т, 2010.